Мени эмизган шахснинг ҳаққини қандай адо этаман?



19:30 / 11.03.2020 3201

Икки ёшдан кичик бўлган гўдакнинг онасидан бошқа эмизикли аёлни тўйиб эмиши ила у аёл боланинг онасига, эри отасига, фарзандлари ака-укаси ва опа-сингилларига айланадилар. Шунингдек, бу аёлнинг бошқа қариндошлари ҳам эмган болага хеш бўладилар. Гўдакнинг суяги ва эти она сутидан шаклланади. Шунинг учун уни эмизган аёл ҳам туққан онаси каби бўлади. Бинобарин, худди ўз онасини эъзозлагандек, унинг ҳам ҳурматини жойига қўйиш ва қадрлаш лозим.

عَنْ مُحَمَّدِ بْنِ الْمُنْكَدِرِ، قَالَ: جَاءَتْ إِلَى النَّبِيِّ صلى الله عليه وسلم ظِئْرُهُ الَّتِي أَرْضَعَتْهُ، فَبَسَطَ لَهَا رِدَاءَهُ، ثُمَّ قَالَ: «مَرْحَبًا بِأُمِّي»، ثُمَّ أَجْلَسَهَا عَلَى رِدَائِهِ. رواه الْحُسَيْنُ الْمَرْوَزِيُّ.

Муҳаммад ибн Мункадирдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига у зотни эмизган аёл келди. Шунда у зот ридоларини ерга ёйдилар ва:

«Марҳабо, онажон!» деб уни ридолари устига ўтирғиздилар».

Ҳусайн Марвазий ривоят қилган.

Демак, аёл фақат эмизган бўлса ҳам, ўша эмизган онанинг боладаги ҳаққи туққан онанинг боладаги ҳаққи каби бўлар экан. Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларини эмизган аёлни «Онам» деб атаганлари, келганида ўринларидан туриб, ҳурмат-иззат қилганлари, ўзларининг кийимлари – ридоларини ерга тўшаб, унинг устига ўтирғизиб, ҳурмат кўрсатганлари шунга ҳужжат, далил бўлади.

عَنْ حَجَّاجِ بْنِ حَجَّاجٍ عَنْ أَبِيهِ قَالَ: سُئِلَ رَسُولُ اللهِ صلى الله عليه وسلم: مَا حَقُّ الرَّضَاعِ؟ قَالَ: «غُرَّةُ عَبْدٍ أَوْ أَمَةٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ وَابْنُ حِبَّانَ وَالدَّارِمِيُّ.

Ҳажжож ибн Ҳажжож отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мендан эмизган(нинг ҳаққини адо этмаган)лик мазамматини нима кетказади?» деб сўрашди.

«Битта қул ёки чўри озод қилиш», дедилар».

Термизий, Насоий, Ибн Ҳиббон ва Доримийлар ривоят қилишган.

Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Мени биров эмизган. Унинг эмизганлик ҳаққини адо эта олмаганман. Бу нуқсонни нима кетказади? Нима қилсам, бу гуноҳни юваман, мени эмизган шахснинг ҳаққини адо этаман?» дея сўрабди.

Расулуллоҳ алайҳиссалом бу саволга:

«Битта қул ёки чўри озод қилиб», деб жавоб берибдилар.

Демак, эмизган аёлларнинг ҳаққи юқори даражада, олий бир мақомда бўлар экан.

«Кексаларни эъзозлаш» китобидан